

**№ S/4 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***Nº S/4 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ .....	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ .....	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI .....	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ .....	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN .....	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ .....	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH .....	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН .....	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН .....	96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI .....	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ҮРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbanova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ....	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348
-------------------------------------	---	---------

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
--	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399
----------------------------------	---	---------

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415
-------------------------------------	---	---------

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI  
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукрова Нафиса Алишеровна*

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН  
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ..... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING  
AHAMIYATI ..... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ..... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ..... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI  
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ..... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ..... 457-465

*Atamuratova Munira*

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY  
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL  
METODLAR TAVSIFI ..... 466-471

*Нурилло Эминов*

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА  
БИР НАЗАР ..... 472-476

**12.00.00 – Юридик фанлар**

**Махмудов Суннат Азим ўғли**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноя-процессуал ҳуқуқи  
кафедраси ўқитувчиси

## **ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ярашув ва хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатишнинг ўзаро нисбати, уларнинг ўзига хос жиҳатлари моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари орқали таҳлил этилди. Мақолада ярашув ва хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатиш бўйича олимлар томонидан илгари сурилган илмий-назарий қарашлар орқали ушбу институттинг қўлланиш доираси ўрганилди. Олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиқсан ҳолда, ярашув ва хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатиш илмий, назарий, амалий ва қонунчилик нормалари асосида таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** ярашув, жиноят ишини тугатиш, жавобгарлик, айбини тан олиш, жабрланувчи, хусусий айлов

**Махмудов Суннат Азим ўғли**  
Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального  
права Ташкентского государственного  
юридического университета

## **ОСОБЕННОСТИ ПРИМИРЕНИЯ И ЧАСТНОГО ОБВИНЕНИЯ КАК ОСНОВАНИЯ ДЛЯ ПРЕКРАЩЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА**

**Аннотация.** В данной статье проанализировано соотношение прекращения уголовного дела на основании примирения и частного обвинения, их специфика через нормы материального и процессуального права. В статье исследуется сфера применения этого института посредством научно-теоретических взглядов, выдвинутых учеными на прекращение уголовного дела по признаку примирения и частного обвинения. Исходя из взглядов и представлений ученых, прекращение уголовного дела на основании примирения и частного обвинения анализировалось на основе научных, теоретических, практических и законодательных норм.

**Ключевые слова:** примирение, прекращение уголовного дела, ответственность, признание вины, потерпевший, частное обвинение.

**Maxmudov Sunnat**  
Lecturer of the Department of Criminal  
Procedural Law, Tashkent State University of Law

## **SPECIFIC ASPECTS OF RECONCILIATION AND PRIVATE PROSECUTION AS GROUNDS FOR TERMINATING CRIMINAL CASES**

**Abstract.** This article analyzes the relationship between the termination of a criminal case on the basis of reconciliation and private prosecution, their specificity through the norms of substantive and procedural law. The article explores the scope of this institution through scientific and theoretical views put forward by scientists on the termination of a criminal case on the basis of reconciliation and private prosecution. Based on the views and

ideas of scientists, the termination of a criminal case on the basis of reconciliation and private prosecution was analyzed on the basis of scientific, theoretical, practical and legislative norms.

**Keywords:** reconciliation, termination of the criminal case, a responsibility, guilty plea, victim, private prosecution.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N49>

**Кириш.** Сўнги йилларда суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида [11] мазкур вазифани амалга ошириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Хусусан, ушбу Концепцияда жиноят процессида шахснинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатини такомиллаштириш мақсадида ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Бугунги кунда жиноят ишини тугатиш институти қўплаб олимлар [4, Б.8] томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, суд муҳокамасида ярашувни такомиллаштириш (С. Сахаддинов [10, Б.25]), жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари (Ш.Ниязова [5, Б.25]) жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари (Ш. Бердиев [1, Б.116-117]), жиноят процессида хусусий айлов назария ва амалиёти бўйича (Б. Рашидов [6, Б.322]) мавзулар ўрганилган.

Мақолани ёзишда индукция ва дедукция каби мантиқий услублардан, тарихийлик, қиёслаш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, статистик маълумотларни таҳдил қилиш, қонун хужжатлари талқини, хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, жиноят ишларига оид материалларни ўрганиш каби усуслардан фойдаланилган.

**Муҳокама.** Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларининг вазифаларини амалда таъминлаш, шу жумладан, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш, айбиз шахсларни асосиз равишда жавобгарликка тортилмаслиги ва реабилитация қилинишида жиноят ишини тугатиш институти муҳим роль ўйнайди. Чунки, жиноят ишини қайсиdir асосга кўра тугатиш шахснинг хуқуқий ҳолатига таъсир қилиб, турли хил хуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бундан, жиноят ишини ярашув ва хусусий айловга асосан тугатиш ҳам мустасно эмас. Чунки жиноят ишини ярашув ёки хусусий айловга асосан тугатиш бир-бирига ўхшаш хусусиятларга эга бўлишдан ташқари, ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шунга асосан, ярашувга ва хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатишнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг ўзаро нисбатини тадқиқ этиш жиноят процессида муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу бир тарафдан шахснинг хуқуқий ҳолатига

таъсир қиласа, иккинчи тарафдан ишни соддалаштирилган шаклда юритиш имконини беради.

Ярашилганлиги муносабати билан ёки хусусий айловга асосан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни реабилитация қилмайдиган (шахсни оқламайдиган) асосга қўра жиноят ишини тугатиш деб номланади. Бундан вазиятда маълум ҳолатларга мувофиқ шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг хуқуқий асослари мавжуд бўлмайди: жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши, айборд ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши, ярашув, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишларда унинг шикоят аризасининг мавжуд бўлмаслиги ва бошқалар [8, Б.586].

Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб (реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича) жиноят ишини тугатишнинг 13 та асоси назарда тутилган [2, Б.110] бўлиб, ярашув ва хусусий айлов ҳам мазкур асосларга киради.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида ярашув айборд шахс ва жабрланувчининг ўзаро келишувидир. Бу жабрланувчи айборд шахсни кечиришини ва шахсни содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Бунда, айбордан ўз айбини тан олиб, етказилган заарни қоплаш талаб қилинади [9, Б.585].

Хусусий айлов деганда, фақат жабрланувчининг шикояти бўлганида қўзғатиладиган, жабрланувчи (ёки унинг вакили)нинг талаб-хоҳиши асосида иш юритиладиган жиноятларга оид ишларда жабрланувчи, унинг номидан вакили (адвокати) қувватлайдиган айлов тушунилади [7, Б.71].

Мазкур фикр билан келишган ҳолда шуни айтиш мумкинки, хусусий айлов жабрланувчининг даъвоси асосида қўзғатиладиган, тергов қилинадиган ва суд муҳокамаси ўтказилиб, иш мазмунан ҳал этиладиган, шунингдек жабрланувчининг ариза бермаганлиги асосида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва берган аризаси асосида иш қўзғатилганидан сўнг ушбу даъвосидан воз кечганида ишни тугатиш билан боғлиқ иш юритуви жараёнларини ифодалайди.

Ярашувни амалга оширишда, албатта, қонунда назарда тутилган шартлар (қилмиш Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси доирасига тушиши, жиноят натижасида етказилган заар бартараф этилган ёки воз кечилган бўлиши, жабрланувчи ариза билан мурожаат қилиши) бажарилиши талаб этилади, акс ҳолда ярашувни амалга ошириб бўлмади.

Хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатишда эса, хусусий айлов доирасига тушадиган ишлар бўйича жабрланувчининг шикоят аризаси бўлмаслиги ёки уни қайтариб олган бўлиши талаб этилади.

Ярашув институти Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонунига [13] асосан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилинининг алоҳида асоси сифатида қонунчилигимизга киритилди. Бугунги кунга келиб, ярашувга тушадиган жиноят ишлари сони 47 та этди.

Хусусий айблов институти эса, 1994 йилда қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида қисман ўз ифодасини топган эди.

1994 йилда фақат айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондирганлик тўғрисидаги (Жиноят кодекси 118-моддасининг биринчи қисми ва 119-моддасининг биринчи қисми) ишлар хусусий айблов доирасига тушган. Ҳозирга келиб эса, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноят ишлари сони 17 тага етди.

Хусусий айблов асосида иш юритилишининг бир қанча ижобий жиҳатлари мавжудлиги, жиноят билан боғлиқ низоли вазиятларда тезкорлик билан ечим топишга имконият беришини ҳисобга олган ҳолда ушбу институтни қўллашда қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишига эришиш жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Айнан ушбу кафолатлар қонунчиликда акс эттирилиши орқали хусусий айбловни янада кенгайтириш ва юқори самарадорликда қўлланишига эришиш мумкин.

Ярашув ва хусусий айбловга асосан жиноят ишини тугатиш бир-бирига ўхшаш бўлса (айблилик масаласи ҳал этилмасдан туриб жиноят иши тугатилса) ҳам, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, амалдаги тартибга кўра, ярашувни қўллаш 4 босқичда: жабрланувчи томонидан ариза бериш, суриштирувчи ва терговчи томонидан қарор қабул қилиш, прокурор розилигини олиш ҳамда суд муҳокамасини қамраб олади. Бунда, ярашув ҳар доим суд томонидан қўлланилади.

Хусусий айблов, яъни жабрланувчининг аризасига асосан қўзғатиладиган жиноят ишларида (Жиноят-процессуал кодексининг 325-модда) жиноят ишларини тугатиш босқичлари фақат икки босқичдан иборат бўлиб, бунда жабрланувчининг аризаси мавжуд эмаслиги асосида терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов органи қарор қабул қиласди. Яъни, ярашувдан фарқли равища Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси ва 325-моддасига мувофиқ хусусий айблов бўйича жиноят ишларини тугатишда прокурорнинг розилигини олиш ҳамда суд муҳокамаси босқичлари мавжуд эмас.

Ҳар икки ҳолатда иш ЖПКнинг 84-моддасига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Иккинчидан, иккала институт ўртасидаги яна бир фарқли томон иш тугатилган тақдирда келиб чиқадиган оқибатда. Яъни, ярашувга асосан жиноят иши тугатилган тақдирда, кейинчалик жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш хуқуқини йўқотади. Бунда, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилидан аризани қабул қилиш вақтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд уларга ярашув тасдиқланган тақдирда, ушбу иш бўйича жиноят иши юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш хуқуқини йўқотишини тушунтиради ҳамда бу ҳақда баённома тузилади. Хусусий айблов (жабрланувчининг аризасига асосан қўзғатиладиган жиноят ишларида) бўйича жиноят ишини тугатишда тарафлар шикоят қилиш хуқуқини сақлаб қолишади.

Учинчидан, ярашув ёки хусусий айбловга асосан жиноят ишини тугатиш шартларида ҳам фарқлар мавжуд. Жиноят натижасида етказилган заарни қоплаш ярашувга асосан жиноят ишини тугатишда асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Е.В.Смахтин ҳам жиноят ишини ярашувга асосан тугатишда жиноят натижасида етказилган заар қопланишини ҳамда заарнинг қопланганлик фактининг мавжудлиги тегишли ҳужжатлар (квитанция, тилхат) билан тасдиқланиши лозимлигини қайд этган [11, Б.19].

Айрим муаллифлар ҳам жиноят натижасида жабрланувчига етказилган заарни қоплаш ҳамда унинг ихтиёрий амалга оширилиши ярашувнинг асосий моҳиятини ташкил этишини қайд этишган [3, Б.113].

Хусусий айблов бўйича жиноят ишини тугатишда жиноят натижасидан етказилган заарни қоплаш мажбурияти назарда тутилмаган. Бунда, асосий мезон содир этилган жиноят Жиноят-процессуал кодекси 325-моддалар доирасига тушиши ва жабрланувчи жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортишни сўраб ариза билан мурожаат қилмаслиги ҳисобланади.

Шу билан бирга, айрим ҳолатларда жабрланувчининг шикоят мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши мумкин.

Хусусан, жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жиноят ишини жабрланувчининг шикояти мавжуд бўлмаса ҳам қўзғатиши шарт.

Тўртинчидан, Жиноят кодекси 661-моддаси иккинчи қисмига асосан ярашув вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчида илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати бўлмаслиги талаб этилади. Мазкур шарт ярашувни қўллаган ҳолда, жиноят ишини тугатишни қўллашни қайсиdir маънода чеклайди.

Бироқ, ушбу қоида жазо мақсади билан боғлиқ бўлиб, шахс содир этган қилмиши учун хулоса чиқариши лозимлигини ўзида ифода этади. Хусусий айбловга асосан жиноят ишини тугатишда эса, шахснинг илгари жиноят содир этганлиги ёки этмаганлик ҳолати, улардан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

**Натижа.** Шуни ҳам қайд этиш керакки, хусусий айбловга асосан жиноят ишини тугатишда айрим муаммоли ҳолат ҳам мавжуд. Хусусан, бу ҳолат Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандида белгиланган норма билан боғлиқ. Яъни мазкур бандда иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, иш тугатилиши белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида эса, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноят ишлари берилган. Мазкур нормани таҳлил этадиган бўлсак, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, жиноят иши айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатилиши лозим. Бироқ, мазкур банднинг ўзида Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно деган норма ҳам белгилаб қўйилган.

Модда мазмунидан шуни тушуниш мумкинки, умумий маънода Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (чунки мазкур норманинг ўзида жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиладиган ҳолатлар берилган) деган норма, жиноят иши жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозимлигини истисно этади.

Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандининг бундай таҳрирда баён этилишига асосий сабаб, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида прокурорнинг жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш мумкин эканлиги ҳақидаги норманинг белгилаб қўйилганлиги ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилганидек, жабрланувчи ўзининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт. Шунга кўра, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига қўйидаги мазмундаги таҳририй ўзгартириш киритиш лозим.

“Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

**Хуроса.** Юқоридаги таҳлил натижалари юзасидан, ярашув ва хусусий айловга асосан жиноят ишини тугатишни такомиллаштириш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод этилмаслигига оид қоидани қўйилган айбнинг оғирлиги, айборнинг шахси, ёши, соғлиғи, оиласвий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиб, айрим тоифадаги шахсларга (вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар) нисбатан қўлланилмаслигига оид қоидани бекор қилиш;

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига қўйидаги мазмундаги ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

“Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳоллари бундан мустасно;”.

Учинчидан, Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси биринчи қисмida “жабрланувчининг вояга етмаганлик” ҳолатини ҳам прокурорга жабрланувчининг шикоят аризасиз ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳукуқини берувчи ҳолат сифатида бериш таклиф этилади.

Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, жиноят ишининг ярашув ёки хусусий айловга асосан тугатилиши жабрланувчи учун ҳам, жиноят содир этган шахс учун қулай ҳисобланади. Жабрланувчига айбор шахс билан ярашиш ҳукуқи берилганлиги жиноят процессидаги диспозитив ўзгаришларни кенгайтиришга ёрдам беради, чунки тарафларда ўзининг ярашувга бўлган ҳукуқини эркин тасарруф этиш имконияти юзага келади.

**Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2011. – Б.116-117.
2. Махмудов С. Айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари // Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 6. – С. 110-115.
3. Махмудов С. Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш: назарий ва амалий масалалар //Юрист ахборотномаси. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С.111-118.
4. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент–2018. –8-бет.
5. Ниязова Ш. Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2010. – 25 б.
6. Рашидов Б. Жиноят процессида хусусий айблок: назария ва амалиёт. юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2021. – Б.322.
7. Рашидов Б. Жиноят процессида хусусий айблок: назария ва амалиёт. юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2021. – Б.71.
8. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 586-бет.
9. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 586-бет.
10. Сахаддинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. автореф. – Т. 2005. 25 б.
11. Смахтин Е.В. К вопросу о примирении сторон в уголовном процессе/Вестник пермского университета. Юридические науки. Выпуск 1 (19) 2013http://www.jurvestnik.psu.ru/index.php/vypusk-1192013/22-2010-12-01-13-31-58/-1-19-2013/397-maxtinlarionova-k-voprosu-o-primirenii-storon-v-ugol
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон).
13. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда).

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*Nº S/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масьулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).